Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил
12 август
ЧОРШАНБА
№ 64 (12804)

www.th.uz

24

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ – ЎЗБЕКИСТОНИМ!

МАКТАБ БОЗОРЛАРИ ИШ БОШЛАДИ

Мамлакат халқ таълими тизимида 2015-2016 ўқув йилининг биринчи қўнғироғи янграйдиган кунларга оз қолди. Ҳар йилги анъанага кўра, бутун республикада бўлганидек, Тошкент вилоятида ҳам янги ўқув йили олдидан мактаб бозори ва ярмаркалари ташкил этилиб, ўқувчиларга ва уларнинг ота-оналарига қулайликлар яратилмоқда.





Юртимизда яна бир хайрли анъана қарор топган. Халқ таълими вазирлиги томонидан Республика болалар кутубхонасида мактаб ўқув қуроллари, дарсликлар, адабиётлар, ўқув ва спорт кийимлари кўргазмаси ташкил этилди. Бу ҳам юртимиз келажаги бўлмиш фарзандларга кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрликдир.

10 августдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда мактаб бозорлари ва ярмаркалари ташкил этилмоқда. Хусусан, Тошкент вилоятидаги 75 та мактабда мактаб бозорлари ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, мактаб директорлари ташкилий ишларни мувофиқлаштиришга масъул этиб тайинланган.

Бозор ва ярмаркаларни ташкил этиш ишларини мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ тузилиб, унинг аъзолари ҳудудларга бирлаштирилди. Бозор ва ярмаркаларда савдога қўйилиши лозим бўлган маҳсулотлар рўйхати тузилиб, барча шаҳар ва туманларга етказилди.

Шунингдек, вилоятнинг ҳамма шаҳар ва туманларидаги буюм ва деҳқон бозорларида, йирик савдо мажмуалари ва дўконларида ҳам мактаб бозори ва ярмаркалари ташкил этилиб, ўқувчи ва ота-оналарга янада қулайликлар яратилмоқда.

Режага мувофиқ, бозор ва ярмаркалар савдони 10 сентябргача давом эттиради.

Ўз мухбиримиз.

СУРАТЛАРДА: Қибрай туманидаги 1- ва 2-мактабларда ташкил этилган мактаб бозорларида савдо қизғин кечмоқда.

Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.

Истиқлол йилларида ёшларга эътибор ва ғамхўрлик давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Эндиликда ёшлар ҳаётнинг барча жабҳасида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликни ҳис этиб, улардан тўла баҳраманд бўлмоқдалар.

КАШФ ЭТИЛАЁТГАН ИСТЕЪДОДЛАР

Айниқса, таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотлар ёшлар камолотида ғоят муҳим аҳамият касб этаётир. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар кўплаб ёш истеъдодларни кашф этишда ғоят муҳим роль ўйнади.

Биргина Ўрта Чирчиқ тумани болалар мусиқа ва санъат мактабларидан кўплаб ёш истеъдодлар етишиб чиқмоқда Улар кейинги йилларда дунёнинг қатор давлатларида бўлиб ўтган халқаро танловларда муваффақиятли иштирок этиб, миллий мусиқа ва санъатимиз довруғини кенг ёйдилар.

(Давоми 4-бетда).

«Энг улуғ, энг азиз» кўрик-танлови

ИСТИҚЛОЛНИ МАДҲ ЭТИБ ТОЛМАЙДИ ҚАЛАМ

Қибрай туманидаги Дўрмон боғида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган анъанавий "Энг улуғ, энг азиз" кўрик-танлови вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Республика Президенти ташаббуси билан таъсис этилган, мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган улкан ютуқларни халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш, ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига бебаҳо неъмат бўлмиш мустақилликнинг беқиёс аҳамиятини сингдиришда жонбозлик кўрсатаётган бадиий ижод ва санъатнинг турли йўналишлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ижодкорларини қўллаб-қувватлаш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган танловда вилоятимиз ҳокими Аҳмаджон Усманов журналистлар, ёзувчи ва шоирлар, рассом ва сураткашлар, барча-барча ижод аҳлини, аввало, ҳаммамиз учун азиз ва муқаддас бўлган, тобора яқинлашиб келаётган Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги билан чин юракдан муборакбод этди.

– Бугунги кунда жамият, фуқаролик институтлари, қолаверса, ҳар қайси инсоннинг ҳаёти айнан ахборот-коммуникация соҳалари билан узвий ва чамбарчас боғланиб бораётгани айни ҳақиқат, – деди вилоят ҳокими. – Шулар инобатга олиниб, вилоятимизда фаолият юритаётган 62 оммавий ахборот воситалари, шунингдек, тўқсондан зиёд матбаа корхонасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва нуфузини ошириш, машаққатли меҳнатини муносиб рағбатлантириш борасида ҳудудий телерадиоканаллар, вилоят ва туман газеталарида кенг кўламли ислоҳотлар, техник ва технологик янгиланишларнинг амалга

(Давоми 2-бетда).

Ифтихор

Илгари хабар берилганидек, хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий, ишбилармон, эксперт, маданий-гуманитар ва жамоатчилик доиралари вакиллари тобора яқинлашиб келаётган Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 24 йиллик байрами муносабати билан мамлакатимиз халқи ва раҳбарияти номига ўзларининг самимий қутловларини йўллашмоқда.

ХАЛҚАРО МИҚЁСДА МУНОСИБ БАҲОЛАНМОҚДА

Табрикномаларда хорижий мамлакатлар вакилларининг юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, улар берган самаралар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳам ўз аксини топган.

Жумладан, Деҳли университетининг етакчи таълим муассасаси – Дайал Сингх коллежи бошқаруви кенгашининг раиси, мазкур университет Шарқий Осиё тадқиқотлари факультети профессори, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Скан Ранжан Тайал "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Ўзим учун қадрдон ва севимли бўлган Ўзбекистон халқи ҳамда мамлакат раҳбариятини энг улуғ ва энг азиз байрам – Мустақилликнинг 24 йиллиги билан қутлашимдан беҳад мамнунман.

Ўзбекистон тарихан қисқа давр ичида том маънодаги янги, мустақил давлатга айланди. Мамлакатда барча соҳаларда эришилган муваффақиятларнинг бош негизига – Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ривожланишнинг "ўзбек модели"га бугунги кунда дунёнинг қатор давлатлари катта эътибор билан қарашмоқда, у жаҳондаги кўпгина олий таълим муассасаларида тадқиқ қилинмоқда. Ривожланишнинг бу модели бугунги кунда Ўзбекистонда ўзининг равон йўлига тушиб олгани боис сўнгги ўн йил ичида мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ҳажми барқарор равишда йилига 8 фоиздан зиёд кўрсаткични ташкил этмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда мамлакат раҳбари ташаббуси билан ҳар йилнинг халқ эзгу интилишларини ифода этадиган, жамият ривожига хизмат қиладиган аниқ бир ижтимоий соҳага йўналтирилиши ва махсус Давлат дастури қабул қилингани ҳолда кенг кўламли тадбирлар амалга оширилиши анъанага айлангани ҳам диққатга моликдир. Бугунги кунда бу тажриба бошқа мамлакатларда ҳам қўлланилаётганини алоҳида таъкидлашни истар эдим.

Хусусан, Ўзбекистонда 2015 йил "Кексаларни эъзозлаш йили", деб эълон қилингани, бу йўналишда қабул қилинган махсус Давлат дастури доирасида ҳаётга татбиқ этилаётган турли ижобий тадбирлар ҳам мамлакатда ҳар бир ижтимоий қатламнинг алоҳида диққат-эътиборда туришидан далолат беради. Ўзбекистонда юритилаётган оқилона ички ва ташқи сиёсат халқаро миқёсда муносиб баҳоланмоқда.

Маълумки, минтақа ҳамда бутун дунё хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш сиёсати Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари билан икки томонлама ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ўзаро муносабатларида асосий масалалардан бири бўлиб келмоқда. Жумладан, мамлакатингизнинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти аъзоси сифатидаги саъй-ҳаракатлари ҳам алоҳида эътиборга сазовордир. Ўзбекистон минтақа хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

"Жаҳон" АА.

Қурувчилар шарафланди

БУНЁДКОР ҚЎЛЛАРГА ТАЪЗИМ

Ўрта Чирчиқ туманидаги вилоят маънавият ва маърифат марказида салоҳиятли курувчилар меҳнатини рағбатлантириш ва муносиб тақдирлашга бағишланган тантанали тадбир ўтказилди.

Вилоят ягона буюртмачи хизмати, архитектура ва қурилиш бош бошқармаси, Тошкент газ таъминоти унитар корхонаси, "Тошвилсувоқова" акциядорлик жамияти вакиллари, архитекторлар, қурувчи ва меъморлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган мазкур тадбирда вилоятимиз ҳокими Аҳмаджон Усманов Ватанимиз мустақиллиги эълон қилинган кундан эътиборан деярли ҳар куни ҳаётимизда янгиланишлар юз бераётгани, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Тошкент вилоятида ҳам бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари изчил олиб борилаётгани натижасида шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳоли турмуш даражаси янада юксалиб бораётганини таъкидлади.

– Давлатимиз раҳбарининг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда, – деди А. Усманов. – Мазкур ҳужжат ижроси доирасида Тошкент вилоятида ўтган йиллар мобайнида етмиш икки массивда 2427 та намунавий уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу хайрли иш изчил давом эттирилмоқда.

Шунингдек, вилоятимиз шаҳар ва туманларида дастур доирасида бир қатор ижтимоий соҳа объектлари, чунончи болалар спорти, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, касб-ҳунар коллежлари бинолари қурилишида фаол иштирок этган салоҳиятли қурувчиларнинг катта ҳиссалари бор.

Янги қурилаётган массивларда инфратузилмани яхшилаш, қўшимча қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ўтган йиллар мобайнида мактаб, қишлоқ врачлик пункти, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари, ҳаммом, дорихона, гузар, бекат ва минибанк каби юздан зиёд ижтимоий инфратузилма объектлари қурилди. Ичимлик суви ва газ қувурлари, электр тармоғи тортилиб, ички йўллар барпо этилди.

Тадбирда бир гуруҳ қурувчилар вилоят ҳокимлиги томонидан муносиб рағбатлантирилди.

Санъаткорлар ижро этган куй-қўшиқлар қурувчиларимизга кўтаринки кайфият бахш этди.

Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати. Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.



Август ойи – пахта ривожида, ҳосил тўплашда ҳал қилувчи фаслди

БАРАКАЛИ ХИРМОН КЎТАРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Август ойида барча агротехник тадбирларни вақтида ва сифатли бажариш, айниқса, экинни "шарбат" усулида суғориш, қатор ораларига ишлов бериш ва турли зараркунандаларга қарши самарали курашиш ўртача ҳосилдорликни 3-5 центнерга ошириш ва толанинг пишиқ бўлишига замин яратади. Ҳосилга ҳосил қўшишда бу мавсумдаги амалларнинг нечоғлик муҳим эканини яхши англаган вилоятимизнинг 2375 та фермер хўжалиги пахтакорлари 91 минг 500 гектардаги ғўза парваришига зўр беришган.

Хусусан, Юқори Чирчиқ туманидаги "Прогресс агро бизнес" фермер хўжалиги даласида ҳам ишлар айни қизиган пайт. Хўжаликнинг доимий 14 ишчи, сувчи ва механизаторлари 31 гектарда парваришланаётган ғўзанинг бор ҳосилини сақлаб қолиш ва уни янада кўпайтиришга бел боғлашган. Чунончи, ҳосил чўғини пасайтириб,

(Давоми 2-бетда).



«Энг улуғ, энг азиз» кўрик-танлови

ИСТИҚЛОЛНИ МАДҲ ЭТИБ ТОЛМАЙДИ ҚАЛАМ



Вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси, ёзувчилар, журналистлар, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаларининг вилоят бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Алиев, Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Иброҳим Ҳалимбеков, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси раиси Исфандиёр Латипов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳалардаги изчил ўзгаришлар маънавий-маърифий ислоҳотларга ҳамоҳанг олиб борилаётганини таъкидлашди. Шунингдек, вилоятимизнинг бош нашри ҳисобланмиш "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари танқидий-таҳлилий мақолалар чоп этиш бўйича республикамизда етакчи экани ва бу каби мақолалар 2012 йилга нисбатан қарийб олти баробар ортгани алоҳида эътироф этилди.

Танлов ҳакамлари ҳайъатининг хулосасига кўра, бадиий-адабий йўналишда биринчи ўрин "Оқ тулпор" китоби учун Шавкат Туробга, иккинчи ўрин "Ватан ширин" китоби учун Абдулла Маъдиевга, учинчи ўрин эса "Куйламасам бўлмайди" илк шеърий тўплами учун Кумуш Абдусаломовага насиб этди. Тасвирий санъат йўналишида фотомухбир Равшан Мирзақулов биринчи, дизайнер Шукрулло Абдуллаев иккинчи ва рассом Маҳмуд Одилхўжаев учинчи ўринни қўлга киритишди. Журналистика йўналишида "Тошкент" телерадиоканали "Пойтахт" ахборот дастури катта муҳаррири Гулноз Халилова вилоятимизнинг истиқлол йилларидаги ривожланиш босқичларини акс эттирган туркум кўрсатувлари, "Тошкент" телерадиоканали муҳаррири Баҳодир Ашуров вилоятимизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини акс эттирган туркум радиолавҳалари, "Чирчиқ тонги" газетаси муҳаррири Салима Ямонова "Бу азиз Ватанда азиздир инсон!" туркумидаги публицистик мақолалари учун ғолиб бўлдилар. Шунингдек, фахрийлар ижоди йўналишида "Оққўрғон овози" газетаси фахрий журналисти Турсун Маматов, Ёшлар овози йўналишида эса Ангрен автомобилларга хизмат кўрсатиш маиший касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Зулайҳо Ўразмахатова ҳам ғолиблар қаторидан жой олишди. Ғолибларга диплом ва совринлар топширилди.

Юртбошимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига асосан ташкил этилган мазкур кўрик-танлов доирасида вилоятимиз ижодкорларининг асарлари кўргазмаси ҳам намойиш этилди.

Шу куни яқинлашиб келаётган Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан вилоятмиз ҳаётида рўй бераётган янгиланишларни кенг жамоатчиликка етказишда фаоллик кўрсатаётган ижодкорлар шарафланиб, улар учун тўкин байрам дастурхони ёзилди. Элликдан ортиқ фаол ижодкорларга вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди.

Хушовоз хонандаларнинг мусиқий чиқишлари тадбир иштирокчиларини рақсга чорлаб, барчага кўтаринки кайфият улашди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири. Мансур НАҲАЛОВ, Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.





(Давоми. Боши 1-бетда).

Вилоятда ҳокимлигида

Тез орада эрку озодлигимиз, тинчлигимиз, фаровон ҳаётимиз тамал тоши – Мустақиллигимизнинг 24 ёшини кенг нишонлаймиз. Бу қутлуғ санани муносиб кутиб олиш мақсади ҳар юракка эзгулик, ғурур ва сурур бағишлаган.

ҚЎШМА ҚАРОРЛАР САМАРАСИ



Вилоят хотин-қизлар қўмитасининг "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижроси доирасида амалга оширилган ишлар, келгусида бажариладиган вазифаларга бағишланган навбатдаги бошқарув йиғилиши шундай кўтаринки кайфиятда бошланди. Уни вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева олиб борди. У кун тартибига қўйилган 17 масаланинг ҳар бирига алоҳида тўхталар экан, ижтимоий шериклик, ҳамкор ташкилотлар ўртасидаги қўшма қарорлар ижроси бесамар кетмаганини таъкидлади.

– Вилоятимизнинг ҳар соҳада фаол аёллари, йилдан-йилга кўпаяётгани қувонарли, – деди Сайёра Файзиева. – Демак, айтишга арзигулик ишларимиз кўп. Лекин, ечимини кутаётган муаммолар, камчиликлар ҳам йўқ эмас.

Ўз ўрнида "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижроси репродуктив саломатлик, хотин-қизлар бандлиги, аёллар меҳнати муҳофазаси, қизлар тарбияси, Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодларни тайёрлаш, танлашдаги ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам етарли экани ҳақида очиқ-ойдин фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бу масалалар юзасидан деярли ҳар бир шаҳар, туман хотин-қизлар қўмитаси раислари, мутахассислари, дахлдор ташкилотлар ходимларининг ҳисоботи тингланди, таклиф ва тавсиялар берилди. Тегишли идоралар, жамоат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шериклик, ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун қўшма қарорлар қабул қилиш ва ижросини таъминлашда қатъий чоралар кўриш лозимлиги таъкидланди.

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири. Мансур НАҲАЛОВ олган суратлар.



Тадбир

Юқори Чирчиқ тумани "Наврўз" маҳалласида мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишлаб "Менинг Ватаним – менинг маҳаллам" шиори остида тадбир ўтказилди.

МАҲАЛЛАМ – ФАХРИМ

Туман ҳокимлиги, "Маҳалла" жамоат фонди туман бўлими, Янгибозор шаҳарчаси фуқаролар йиғини ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда маҳалла фаоллари, нуроний отахон ва онахонлар, уй бекалари ҳамда ёшлар иштирок этди.

– Бугун юртимизнинг барча гўшаларида байрам шукуҳи кезиб юрибди, – деди Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати, "Нозима люкс сервис" хусусий корхонаси раҳбари Гулчеҳра Ўтбосарова. – Гузарларимиз, қишлоқ ва маҳаллаларимиз, хиёбону кўчаларимиз ободонлаштирилиб, чирой очаётганини кўриб, кўзимиз қувнаяпти. Айниқса, жойларда Юртбошимизнинг Давлат Мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақидаги Қарорида белгилаб берилган "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остидаги тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар халқимизнинг фаол иштирокида ғоят кўтаринки руҳда ўтмоқда.

Мароқли ўтган тадбир турли соҳада буюмлар ясаш, тўқиш-тикиш, расм чизиш ва спорт мусобақаларига уланиб кетди. Меҳнат фахрийлари ўртасида ўтказилган шахмат мусобақасида Жумабой ота Рўзибоев, Азимбой ота Асқаров ғолибликни қўлга киритишди. Аёллар ва ёшлар ўртасидаги шахмат-шашка, мини футбол, стол тенниси, югуриш мусобақалари ташкилотчилар ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Латифжон МАНСУРОВ.

Давра суҳбати

ЁШЛАР УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТ

Зангиота маиший хизмат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси коллеж битирувчилари билан давра суҳбати ўтказди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифати ва самарасини янада ошириш, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш ҳамда бизнес фаолиятини бошлаш истагида бўлган ёшларга имтиёзли кредитлар ажратилишига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган мулоқотда доимий комиссия аъзолари ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларга қаратилаётган алоҳида эътибор, яратиб берилган қулай шароит ва имкониятлар юксак самара бераётганини таъкидлашди. Айниқса, Президентимизнинг "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлаётганини алоҳида қайд этишди.

Вилоятимизда фаолият юритаётган тижорат банклари ва давлат солиқ бошқармаси мутасаддилари, битирувчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда Зангиота туманидаги корхона ва ташкилотларда мавжуд бўш иш ўринлари, ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган битирувчиларга ажратиладиган имтиёзли кредитлар, уларни олиш тартиби тўғрисида батафсил ахборот берилди.

Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати. Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.



Ким эдигу ким бўлдик?

ТЎҒРИ АНГЛАШ ВА ЕТКАЗИШ МАСЪУЛИЯТИ

Шу кунларда энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Мустақиллигимизнинг 24 йиллигини муносиб кутиб олиш учун кенг кўламда тайёргарлик ишлари давом этмоқда, маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилмоқда.

24 йил давомида асрларга татигулик бунёдкорлик ишлари, кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Ўзгариш, юксалишлар нафақат ён-атрофдаги қўни-қўшнилар, балки дунё аҳлини ҳам лол қолдирмоқда. Чунки, тинчлик деган ноёб неъмат ҳамма юртларга ҳам насиб этавермайди. Айниқса, ҳозирги таҳликали замонда...

Шундай экан, буларнинг қадрига етиш учун аввал уни англамоқ, ҳис этмоқ зарур. Шу маънода оммавий ахборот воситалари ходимларининг вазифаси, ўрни алоҳида.

Шу муносабат билан Республика Маънавият тарғибот маркази ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарор ижроси юзасидан ўқув-семинар ўтказилди. Унда таниқли олимлар, сиёсатшунослар, маънавият тарғиботчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Семинарда "Тадбирларни ташкил этишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни", "Замонавий халқаро жараёнларнинг ёритилишида ОАВ долзарб вазифалари", "Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни ОАВда ёритилишининг долзарб йўналишлари", "Маънавий-маърифий тадбирларни журналистлар томонидан ёритилишининг муҳим жиҳатлари" ва "Ўтказиладиган тадбирлар йўналишлари, маърузаларнинг мазмун-моҳияти ва уларни етказиб бериш усуллари" мавзуидаги маърузалар тингланди.

Мустақиллигимизнинг 24 йиллигини муносиб кутиб олиш ҳақидаги Қарорнинг мазмун-моҳияти, "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида бутун республикамизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини, ҳар бир соҳада амалга оширилаётган самарали ислоҳотларни юртдошларимизга етказишнинг муҳим жиҳатларига қатъий эътибор бериш кераклиги алоҳида таъкидланди.

Сайёра ЭШМАТОВА.

МУСТАҚИЛЛИК ДАРСЛАРИ

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида барча умумтаълим мактабларида "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида мустақиллик дарслари ташкил қилинади.

Мазкур дарсларда мустақилликнинг йигирма тўрт йили давомида юртимиздаги барқарор, тинч ва осуда ҳаёт, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатларни, "Биз кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик?" деган ҳаётий ҳақиқатни асосий ва бош ғоя сифатида дарс жараёнида давра суҳбати орқали ҳар бир ўқувчига батафсил тушунтирилади. Шунингдек, ушбу дарсда ўқувчиёшларга республикамизда мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотлар, эришилган ютуқ ва марралар дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётгани аниқ мисоллар билан кўрсатиб берилиши кўзда тутилган.

"Туркистон-пресс".

ГАЗЕТА ЛОЙИҲАСИГА ГРАНТ

Қибрай тумани "Қибрай садоси" газетаси таҳририятига давлат ижтимоий буюртмалари ғолиби сертификати топширилди.

Республика Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилишида 2015 йилда ННТлар, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа тузилмаларининг бир қатор лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш юзасидан танлов якунлари эълон қилинди.

"Қибрай садоси" газетаси таҳририяти "Жамиятда юксак маънавий-ахлоқий қадриятларни, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни сақлашда маҳалланинг роли" мавзуида тақдим этган лойиҳа ҳам ғолиб деб топилиб, унга Жамоат фондининг гранти ажратилди. Ушбу маблағдан номинацияда белгиланган мақсадларда фойдаланилади.

Юлдуз ИСАЕВА.

Август ойи – пахта ривожида, ҳосил тўплашда ҳал қилувчи фаслдир

БАРАКАЛИ ХИРМОН КЎТАРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ



Фермер ҳақ. Чунки бу ойда кечиктириб бажарилган ҳар бир амал хирмондан барака учишига сабаб бўлади.

Аваз ИСРОИЛОВ.

СУРАТДА: хўжалик раҳбари Тўлқин Жўраев ғўза ривожидан мамнун.

Мансур НАҲАЛОВ олган сурат.

кўсаклар тўкилишига сабаб бўлувчи ер намлигининг кўтарилиши, культивациядан сўнг ғўза илдизларининг очилиб қолиши оқибатида касалликка чалиниши, бегона ўт ва зараркунандалар кўпайиши каби ҳолларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

– Ғўзани тунги "шарбат" усулида суғориш яхши самара бермоқда, – дейди хўжалик раҳбари Тўлқин Жўраев. – Жумладан, ерда намликнинг узоқ вақт сақланиб туриши, сувни тежаш ва айниқса ниҳолларнинг сувга қониб, мавжуд 30 тага яқин кўсакларнинг бўлиқ бўлишига замин яратаяпти.

Дарҳақиқат, бўлиқ кўсаклар сифатли тола ва юқори ҳосилдорлик гарови. Шу боис, кўсакларнинг тўкилиши ва касалликка чалинишининг олдини олишда асад ойида бажариладиган амалларнинг оби-тобида бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бободеҳқонларимиз "асад – экинингни ясат" деб бежиз айтишмаган.

Фермернинг фикрича, пахтадан юқори ҳосил

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!

ЧУҚУРЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ КЎРИК



Энг улуғ, энг азиз байрам – давлатимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида Пискент тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиникада чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказилди.

Кўрикка пойтахтимиздаги ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-тадқиқот институтлари, тиббиёт олий ўқув юртлари, етакчи клиникалар ҳамда вилоятимизнинг малакали олим, невропатолог, жарроҳ, кардиолог, эндокринолог, гинеколог, терапевт, педиатр, офтальмолог, отоларинголог, ортопед, стоматолог ва дерматовенерологлари жалб этилгани аҳолига катта қулайлик яратди. 30 дан зиёд малакали мутахассислар Пискент ва Бўка туманларидан келган 500 га яқин аҳолини чуқурлаштирилган кўрикдан ўтказиб, тиббий ёрдам ва тегишли тавсиялар беришди.

– Фарзандим бир ёшга тўлсада, юриши кечикаётганди, – дейди Камола Каримова. – Туманимизга юқори малакали шифокорлар келганини эшитиб, кўрикка олиб келдим ва зарур тавсиялар олдим.

Юқори савияда ташкил этилган тиббий кўрик давомида шифокорлар алоҳида эҳтиёжманд кексалар хонадонларига бориб, саломатликларини текширишди.

– Сўнгги пайтларда нафасим қисадиган, тез-тез шамоллайдиган бўлиб қолдим, – дейди Намоз ота Норимбоев. – Тиббий кўрикда зарур тавсияларни беришди.

Кўрикда тиббий текширувга эҳтиёжи бор беморлар, болалар, аёллар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийлари ҳамда кексалар тўлиқ қамраб олинди.

Акция сўнгида бир гуруҳ кексаларга зарур дори-дармонлар жамланмаси бепул тарқатилди.

Бектош АВАЗОВ.
Мансур НАХАЛОВ



олган суратлар.

Меҳнат ярмаркаси

БИТИРУВЧИЛАР ИШЛИ БЎЛИШДИ

Қибрай энергетика касб-ҳунар коллежида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Туман ҳокимлиги, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, туман прокуратураси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва "Қибрай садоси" газетаси ҳамкорлигида уюштирилган ярмаркада 176 фуқаро, жумладан, 122 коллеж битирувчиси иштирок этди. 32 та корхона ва ташкилот 624 та бўш иш ўринларини тавсия қилди.



Тумандаги 6 та касб-ҳунар коллежини бу йил 1952 ўқувчи битирди. 2014-2015 ўқув йили давомида кўплаб корхона ва ташкилотларда амалиёт ўтаган битирувчиларнинг қарийб 99 фоизи билан уч томонлама шартнома имзоланган эди.

– Коллежимизни бу йил олти йўналиш бўйича 171 ўқувчи тамомлади, – дейди директор Муқаддас Солихўжаева. – Битирувчиларимиз тузилган уч томонлама шартнома асосида ўзлари амалиёт ўтаган корхона ва ташкилотларга ишга жойлашмоқдалар.

– Мен кимё-технология (ишлаб чиқариш турлари) йўналишини тамомладим, – дейди Зиёда Шораҳмедова. – "Тошкент иссиқлик электр станцияси" га лаборант бўлиб ишга кирдим. Ўқиш даврида шу ерда амалиёт ўтаганим қўл келмоқда. Ниятим – яхши ишлаб, иссиқлик энергияси соҳаси ривожига ҳисса қўшишдир.

Меҳнат ярмаркаси натижаларига кўра, 24 фуқарога ишга жойлашиш учун йўлланма ва 63 нафарига тегишли маслаҳатлар берилди. Шундай ярмаркалар тумандаги педагогика, тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежларида ҳам бўлиб ўтди.

Нозима АРСЛОНОВА.
Мансур НАХАЛОВ олган сурат.

Сарҳисоб

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ИШОНЧИ ОРТМОҚДА

Вазирлар Маҳкамасининг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва вилоят ҳокимининг шу ҳақдаги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш республика жамиятининг вилоят ҳудудий бирлашмаси ва туман, шаҳар жамиятлари 2015 йил давомида изчил фаолият юритгани боис аъзолар 1 июль кунига 19 минг 229 нафарга етди, яъни 3710 тага кўпайди. Таянч гуруҳлари ҳам 57 тага кўпайиб, 1 июль ҳолатига 176 тага етди.

Ҳудудий бирлашма ва туман, шаҳар жамиятларига бугунги кунга қадар истеъмолчилардан ёзма, оғзаки ва ишонч телефони орқали 210 дан ортиқ ариза, шикоят ва мурожаатлар тушиб, ҳозирги кунда 166 таси ижобий ҳал этилди, қолган аризалар ўрганиш жараёнида. Барча истеъмолчиларнинг коммунал хизмат, савдо, соғлиқни сақлаш, алоқа, транспорт, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, газ, ичимлик ва иссиқ сув, иссиқлик энергияси, электр таъминотлари соҳаларидаги ҳуқуқлари ишончли ҳимояда. 2015 йилнинг биринчи ярмида 87 миллион 585 минг 218 сўм истеъмолчилар фойдасига ҳал қилиб берилди.

Изчил амалга оширилаётган чора-тадбирлар аъзоларимизнинг бизга бўлган ишончларини яна кучайтирмоқда.

Лобар УСМОНОВА,
истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси матбуот ва ахборот сектори мутахассиси.

ЭЪЛОНЛАР

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Тошкент вилояти, Зангиота туман ҳокимининг 2015 йил 5 августдаги 838-сонли қарорига ва 2015 йил 7 августдаги 779-сонли буюртманомасига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқлари танловга қўйилмоқда:

1. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, ювиш шахобчаси, новвойхона, савдо дўкони қурилиши учун, Ҳасанбой ҚФЙ, Ю. Ҳасанбой кўчаси ҳудудидаги умумий ер майдони – 0.018 га бўлган (эски 13-мактаб биносидан бўшаган ер майдони) ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 137 786 сўм 90 тийин.

2. Маиший хизмат ва савдо дўкони қуриш ҳамда ободонлаштириш учун, Юнусобод ҚФЙ, Ойдин ҳаёт маҳалласи, А. Мамбетов кўчаси ҳудудидаги умумий ер майдони 0.019 га бўлган (эски 21-мактаб биносидан бўшаган ер майдони) ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 145 441 сўм 70 тийин.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Тошкент вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Танлов савдоларига қўйилган ер участкаларини олиш учун талабгорлар қуйидаги талабларни инобатга олишлари лозим:

мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб уч ойдан бир йилгача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим;

иш ўринлари яратиш;

тўлов маблағларини қисқа муддатда амалга ошириш.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади, 13.00 дан 14.00 гача тушлик ва 2015 йил 14 сентябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Зангиота тумани ҳокимлиги биносида 2015 йил 15 сентябрь куни соат 11.00 да очилади. 2015 йил 15 сентябрь куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқлари 2015 йил 15 сентябрдаги танловда сотилмаган тақдирда, такрорий танлов савдоси 2015 йил 30 сентябрь ва 15 октябрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2015 йил 30 сентябрдаги танлов савдоси учун 29 сентябрь куни соат 18.00, 2015 йил 15 октябрдаги танлов савдоси учун 14 октябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Зангиота туман ҳокимлиги биносида 2015 йил 30 сентябрь ва 15 октябрь кунлари соат 11.00 да очилади, 2015 йил 30 сентябрь ва 15 октябрь кунлари соат 16,00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини АИТБ "Ипак йўли" банки Сағбон филиалидаги: МФО 01063, СТИР 207122519, 20208000904920609114 ҳ/р га тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади: – юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; – жисмоний шахслар – паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; – танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха; – танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел/факс: (0-371) 228-80-23. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz.

Лицензия № RR 0001.

"REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда: Тошкент вилояти, Қибрай тумани СИБ томонидан, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, "Гулноза Барака" МЧЖ сақланаётган: 1. 17.05.2010й 4697/11-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, 1987й и/ч., дав/рақ: Х 110 ОСМ бўлган, "КАМАЗ 5511" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 6 903 222,99 сўм. 2. 15334/9/11-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, 1971 й и/ч., дав/рақ: 10R866AA бўлган, "Москвич-412" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 093 500 сўм. Тошкент вилояти Ангрен шаҳар СИБ томонидан: 1. 2015 йил 15 майдаги 4365/15-сонли Ариза (буюртма)сига асосан: Ангрен шаҳар ИИБда сақланаётган: 2004 йилда и/ч., дав/рақ: 10B588BA бўлган "Матиз" русумли техник носоз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 15 480 000 сўм. 2. 2015 йил 12 майдаги 4365/15-сонли ариза (буюртма)сига асосан: Ангрен шаҳар ИИБда сақланаётган: 1996 йилда и/ч., дав/рақ: 10Y065GA бўлган "ВаЗ-21060" русумли техник носоз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 10 517 178,24 сўм. Тошкент вилояти Зангиота тумани ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган: 8068/2-сонли ижро варақасига асосан: 1. 2011 йилда и/ч., дав/рақ: 10Z358DA бўлган "Нексия Донс 1.6" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 24 744 654 сўм. 2. 3726/2-сонли ижро варақасига асосан: 1982 йилда и/ч., дав/рақ: 10J165FA бўлган "ВАЗ-210333" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 000 635 сўм. 3. 2013 йил 23 декабрдаги 16-1307/9118-сонли ижро ҳужжатига асосан:, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Келес шаҳри, Оқибат кўчаси, 4-уй манзилида жойлашган: Хитой давлатида ишлаб чиқарилган икки дона 3 тоннадан иборат бўлган ўсимлик ёғини ишлаб чиқариш технологик асбоб-ускуна. Бошланғич баҳоси – 232 474 657 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 31 август куни соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда: Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Ёнгичколи ҚФЙ манзилида сақланаётган: 13.08.2013 й 1-488/13-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, 1979 й и/ч., дав/рақ: 10N193HA бўлган, "ВАЗ 2102" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 831 013 сўм. 2. Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар СИБ томонидан, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар ИИБ маъмурий биносида сақланаётган: 25.06.2015 й 6562/15-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, 2009 й и/ч., дав/рақ: 10Q488JA бўлган, "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 8 686 000 сўм. 3. Тошкент вилояти, Зангиота тумани СИБ томонидан, Тошкент вилояти, Зангиота тумани ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган: 28.03.2012 й 1-800-2012-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, 2010 й и/ч., дав/рақ: 10O458DA бўлган, "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 10 344 000 сўм. 4. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани СИБ томонидан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани ЙХХХБ жарима майдончасида сақланаётган: 10.10.2014 й 1-577-2014-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, 2008 й и/ч., дав/рақ: 10D861KA бўлган, "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 9 923 940 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 14 сентябрь куни соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "REAL AUKSION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО 01101, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

Гувоҳнома № 006795.

"VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!!!

2015 йил 31 август куни соат 12.00 да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган такрорий "Очиқ аукцион" савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда: ЖИБ Тошкент вилоят судининг 14.05.2013 йилдаги 3020-сонли ижро варақасига асосан Бўстонлиқ туман СИБ томонидан хатланган, бошланғич баҳоси 1 337 985 361 сўм 8 тийин бўлган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Чорбоғ ҚФЙ, "Чорбоғ гўзал боғи" БУШда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 280,80 кв.метрдан иборат бўлган "Дала ҳовли". Тошкент вилоят хўжалик судининг 26.12.2015 йилдаги 11-1407/11046-сонли ижро варақасига асосан Паркент туман СИБ томонидан хатланган бошланғич баҳоси 85 000 000 сўм бўлган Тошкент вилояти, Паркент тумани, Паркент шаҳри, Ўзбекистон кўчасида жойлашган, 5 хонадан иборат, умумий фойдали майдони 76,22 кв.метрдан иборат бўлган "Бино-иншоот". ФИБ Чирчиқ туманлараро судининг 06.05.2014 йилдаги 1-3238/14-сонли ижро варақасига асосан Паркент туман СИБ томонидан хатланган бошланғич баҳоси 20 650 000 сўм бўлган Тошкент вилояти, Паркент тумани, Паркент шаҳри, Бўрсилик кўчасида жойлашган, умумий фойдали майдони 27,0 кв.метрдан иборат бўлган "Савдо дўкони".

2015 йил 15 сентябрь куни соат 12.00 да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда: ФИБ Тошкент вилоят Зангиота туманлараро судининг 10.04.2015 йилдаги 1-2096/15-сонли ижро варақасига асосан Зангиота туман СИБ томонидан хатланган бошланғич баҳоси 300 000 000 сўм бўлган Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эшонгузар ҚФЙ, Ҳамза кўчасида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 776,0 кв.метрдан иборат, Литер 0001 – 395,18 кв.метрдан иборат "Кафе биноси", Литер 0002 – 38,01 кв.метрдан "Гўшт дўкони", Литер 0003 – 64,59 кв.метрдан иборат "Ёрдамчи бино" қўйилмоқда; Тошкент вилоят Хўжалик судининг 06.03.2015 йилдаги 11-1432/12875-сонли ижро варақасига асосан Зангиота туман СИБ томонидан хатланган бошланғич баҳоси 200 000 000 сўм бўлган Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Кўксарой ҚФЙ, Шифобахш сувлар кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 0,08 га, қурилиш ости майдони 626,0 кв.метрдан иборат "2 қаватли Гузар" бино-иншоотлари; ФИБ Чирчиқ туманлараро судининг 29.05.2015 йилдаги 1-146/15-сонли ижро варақасига асосан Паркент туман СИБ томонидан хатланган бошланғич баҳоси 89 460 000 сўм бўлган Тошкент вилояти, Паркент тумани, Паркент шаҳри, Самаробод МФЙда жойлашган, умумий фойдали майдони 220,18 кв.метрдан иборат нотурар бино қўйилмоқда. Савдога чиқарилган мулклар билан тегишли туман СИБ бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчисининг АТБ "InfinBANK" даги 20208000600250595001, МФО 01041, ИНН 302681189 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслардан – паспорт нусхаси; юридик шахслардан – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; чет эл юридик ва жисмоний шахслар – сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0595) 143-0-143, e-mail: info@realtors.uz, www.realtors.uz.

Лицензия рақами RR-0173.

"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдоларига: I. Тошкент вилояти Қибрай тумани СИБ томонидан такрорий аукцион савдоларига: 1. 2011 йил 13 июлдаги 4912-сонли ижро ҳужжатига асосан: бўлган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оқ-қовоқ ҚФЙ, Узумзор маҳалласи манзилидаги: 0,12 Га ер майдонида жойлашган қурилиши тугалланмаган "савдо дўконлари" қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 74 656 461 сўм. 2. 1014 йил 17 февралдаги 2472-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Матқобулов ҚФЙ, Арғин маҳалласи, Янги ҳаёт кўчаси, 9-уй манзилида жойлашган: ер майдони 0,688 Га, умумий майдони 628,07 кв.м. бўлган "2 қаватли қурилиши тугалланмаган уй" қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 240 273 333 сўм. 3. 2013 йил 8 июлдаги 2-60-13-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Чингелди МФЙ, ҳудудида жойлашган: (жами ер майдони 1,34 Га бўлган) қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотлар қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 127 580 540 сўм. Аукцион савдоси 2015 йил 3 сентябрь куни соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади. II. Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан такрорий аукцион савдоларига: 1. 7450/24-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Кўксарой ҚФЙ, Мустақиллик 1-тор кўчаси, 19-уй манзилида жойлашган, ҳужжат асосида ер участкасининг майдони 800,0 кв.м., амалда фойдаланилаётган майдон 865,0 кв.м. бўлган "кўчмас мулк" савдога қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 110 217 734 сўм. 2. 7451/24-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Кўксарой ҚФЙ, Мустақиллик 1-тор кўчаси, 21-уй манзилида жойлашган, ҳужжат асосида ер участкасининг майдони 800,0 кв.м., амалда фойдаланилаётган майдон 1040,0 кв.м. бўлган "кўчмас мулк". Бошланғич баҳоси – 145 222 392 сўм. 3. 10163/24-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эркин ҚФЙ, Мирзо Улуғбек кўчаси, 1-уйманзилида жойлашган "туракжой". Бошланғич баҳоси – 962 661 898 сўм. Аукцион савдоси 2015 йил 7 сентябрь куни соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

Лицензия: RR-0148.

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ туман ҳокимининг 2015 йил 5 августдаги 212-сонли қарорига ва 2015 йил 7 августдаги 2/122-сонли хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

мебель ишлаб чиқариш қурилиши учун, Қуйи Чирчиқ туман, Дўстобод шаҳри, Ал-Бухорий кўчаси ҳудудидаги умумий ер майдони – 0.09 га бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 467 151 сўм 21 тийин.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Тошкент вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Танлов савдоларига қўйилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқни олиш учун талабгорлар қуйидаги талабларни инобатга олишлари лозим:

мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб икки йил ичида амалга оширилиши лозим;

яратиладиган иш ўринлари энг кам сони 5 (беш) та;

энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;

сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш;

муҳандислик коммуникациясига уланиш учун дастлабки техник шартларни: 2015 йил октябрь ойига қадар амалга оширилиш.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади, 13.00 дан 14.00 гача тушлик ва 2015 йил 16 сентябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимлиги биносида 2015 йил 17 сентябрь куни соат 11.00 да очилади. 2015 йил 17 сентябрь куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқлари 2015 йил 17 сентябрдаги танловда сотилмаган тақдирда, такрорий танлов савдоси 2015 йил 2 ва 19 октябрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2015 йил 2 октябрдаги танлов савдоси учун 30 сентябрь куни соат 18.00, 2015 йил 19 октябрдаги танлов савдоси учун 16 октябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Қуйи Чирчиқ туман ҳокимлиги биносида 2015 йил 2 ва 19 октябр кунлари соат 11.00 да очилади, 2015 йил 2 ва 19 октябрь кунлари соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини АИТБ "Ипак йўли" банки Сағбон филиалидаги: МФО 01063, СТИР 207122519, 20208000904920609114 ҳ/р га тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади: – юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; – жисмоний шахслар – паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; – танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха; – танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел/факс: (0-371) 228-80-23. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz.

Лицензия № RR 0001.

"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2015 йил 25 август куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган такрорий "Очиқ аукцион" савдосига қуйидаги мулклар нархи арзонлаштирилган ҳолда қўйилмоқда: 1. Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан хатланган, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент-2 "Мариам текстил сервис" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: ЖИБ Паркент тумани судининг 10.11.2014 йилдаги 1-129-2014-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 6 189 516 сўм бўлган 1988 йилда и/ч, д/р 10H921KA, "ВАЗ-21063" р-ли ав-на; 2. Тошкент вилоят хўжалик судининг 18.02.2014 йилдаги 11-1334/15263-сонли ижро варақасига асосан Чиноз туман СИБ томонидан хатланган, Чиноз тумани Янги Чиноз қўрғони, Самарқанд кўчаси, 8-уйда сақланаётган: 2001 йилда и/ч, д/р 11AO277, "Мидибус 23,9" р-ли автобус, бошланғич баҳоси 3 300 840 сўм; 2001 йилда и/ч, д/р 11AO344, "Мидибус 23,9" р-ли автобус, бошланғич баҳоси 5 017 276 сўм; 2001 йилда и/ч, д/р 11AO180, "Мидибус 23,9" р-ли автобус, бошланғич баҳоси 1 136 777 сўм; 2002 йилда и/ч, д/р 10273AAA, "Мидибус 24,9" р-ли автобус, бошланғич баҳоси 8 333 399 сўм; 2001 йилда и/ч, д/р 11AO338, "Мидибус 24,9" р-ли автобус, бошланғич баҳоси 1 923 099 сўм; 2001 йилда и/ч, д/р 11AO349, "Мидибус 24,9" р-ли автобус, бошланғич баҳоси 1 923 099 сўм; 2001 йилда и/ч, д/р 11AO356, "Мидибус 24,9" р-ли автобус, бошланғич баҳоси 1 282 066 сўм; 2002 йилда и/ч, д/р 10/119BAA, "Мидибус 24,9" р-ли автобус, бошланғич баҳоси 8 449 357 сўм; 2001 йилда и/ч, д/р 11AO278, "Мидибус 24,9" р-ли автобус, бошланғич баҳоси 1 282 066 сўм; 2001 йилда и/ч, д/р 11AO357, "Мидибус 24,9" р-ли автобус, бошланғич баҳоси 7 051 356 сўм; 2001 йилда и/ч, д/р 11AO339, "Мидибус 24,9" р-ли автобус, бошланғич баҳоси 1 923 142 сўм; 2001 йилда и/ч, д/р 11AJ916, "Мидибус 24,9" р-ли автобус, бошланғич баҳоси 6 750 072 сўм; 2001 йилда и/ч, д/р 11AJ904, "Мидибус 24,9" р-ли автобус, бошланғич баҳоси 6 750 072 сўм; 2001 йилда и/ч, д/р 11AQ152, "Мидибус 23,9" р-ли автобус, бошланғич баҳоси 4 812 624 сўм; 2002 йилда и/ч, д/р 11AQ155, "Мидибус 23,9" р-ли автобус, бошланғич баҳоси 5 240 412 сўм. Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан туман СИБ вакили иштирокида бевосита танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 12:00 да тўхтатилади. Савдолар "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" нинг АТБ "InfinBANK" Шайхонтоҳур филиалидаги, МФО 01041, ИНН 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва устав нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; чет эл юридик ва жисмоний шахслар – сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел.: (95) 177-96-74, e-mail: info@auksion.uz.

Гувоҳнома № 005148.

КАШФ ЭТИЛАЁТГАН ИСТЕЪДОДЛАР



Шу йилнинг июнь ойи охирларида Латвиянинг Юрмала шаҳрида бўлиб ўтган "Арабеск" халқаро рақс фестивалида тумандаги Мухтор Ашрафий номли Болалар мусиқа ва санъат мактаби ёш раққосалари Райҳона Тошкенбоева ҳамда Рисолатбону Мирзакаримова ғолиб бўлдилар. Юрмаланинг жаҳонга машҳур "Дзинтари" концерт залида бўлиб ўтган ушбу халқаро концерт фестивалида Миср, Туркия, Кипр, Словакия, Бельгия, Россия, Эстония, Беларусь, Латвия каби Осиё, Африка ва Европанинг ўнлаб давлатларидан келган минглаб ёшлар иштирок этди ва унда серқуёш ўлкамизнинг ёш раққосалари ўз истеъдодлари билан миллий санъатимизни янада кўкларга кўтардилар.

Ўзбек халқининг ноёб санъат дурдонаси бўлган "Дилхирож" ва "Сурнай лазгиси" рақсини юксак маҳорат билан ижро этган 6 ёшли Рисолатбону Мирзакаримова халқаро танловнинг 5 ёшдан 8 ёшгача бўлган иштирокчилари ўртасида фахрли иккинчи ўринни эгаллади. "Қўғирчоқ" ва "Хоразм лазгиси" рақсини ижро этган Райҳона Тошкенбоева эса 1-ўринни эгаллаб, халқаро фестиваль ғолиби бўлди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

– Рисоладагидек қиз бўлсин, деган ният билан фарзандимиз исмини Рисолатбону қўйганмиз, – дейди қизалоқнинг онаси Матлубахон фахр билан. – Қизимизнинг ютуқларидан хурсандмиз. Келажакда янада улкан зафарларга эришишига ишонамиз.

Устози Ангелина Беркиевадан ўзбек миллий ҳамда дунё халқлари рақсларини қунт билан ўрганаётган Рисолатбонунинг келажакда рақс санъати чўққиларини эгаллашига шубҳа йўқ. Тажрибали педагог, рақс устози Залима Ахунзянованинг шогирди Райҳона Тошкентбоева эришаётган ютуқлар ҳам унинг ота-онаси ва устозларини ғоят хушнуд этмоқда.

Бу йил 1-умумтаълим мактабининг 3-синфига ўтган Райҳона уч йилдирки, ушбу санъат даргоҳида рақс сирларини ўрганиб, маҳоратини оширмоқда. Эндигина 9 ёшни қарши олган ёш раққоса 2014 йилда ўтказилган Қориёқубов номидаги миллий рақс танловининг туман ва вилоят босқичлари ғолиби бўлди. Райҳона шу йил ёзда Халқ таълими вазирлигининг болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларининг санъат йўналиши бўйича ўтказилган республика танлови совриндори бўлишга эришди.

Яқинда ушбу санъат илмгоҳи директори Валерия Мардиева номига 2015 йилнинг 1-7 август кунлари Россия Федерациясининг Сочи шаҳрида бўлиб ўтадиган Халқаро фестиваль танловига расмий таклифнома келди. Халқаро фестиваль директори Н. Чиркова имзоси билан келган таклифномада ушбу нуфузли санъат анжуманига мусиқа ва санъат мактабининг ўқувчи-созандалари Достон Қувашев, Асадбек Баҳодиров, Убайдулла Эгамбердиев, Козим Рихсиев билан бирга яна бир истеъдодли раққоса қиз Хонзода Карасева ҳам таклиф этилган.

Ўз санъатлари билан дунёнинг Париж, Санкт-Петербург ва Юрмала каби машҳур шаҳарларида ўтган нуфузли халқаро фестивалларда жаҳон санъати аҳлини лол этган Зокир Ўтаев ҳамда Валерия Мардиева шогирдлари Сочидан ҳам улкан зафарлар билан қайтсалар ажаб эмас.

Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ.

ДИЛЛАРДА ШУКУҲ

Бекобод шаҳрида энг улуғ, энг азиз байрам арафасида "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Республика маънавият-тарғибот маркази, вилоят ҳокимлиги, "Камолот"нинг Бекобод шаҳар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда сўзга чиққан отахон ва онахонлар истиқлол неъматларидан баҳраманд бўлиб яшаётганлари, ҳукуматимиз меҳри ва эътиборидан мамнун эканларини қайта-қайта таъкидлаб, юртимиз равнақи, халқимиз тинчлиги, шаҳар ва қишлоқларимиз ободлиги, аҳоли фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ишларга янада юксак самаралар тиладилар.

Тадбир санъат усталарининг концерт дастури билан якунланди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Яхши анъана

ТЎЙИДА... ФУТБОЛ МУСОБАҚАСИ

Бекобод туманидаги "Маданият" қишлоқ фуқаролар йиғини масъул котиби Воҳид Нурматов ўғилчаси Афзалбекнинг хатна тўйида меҳмонларни хушнуд этишнинг антиқа усулини бошлаб берди. Маҳалла ўйингоҳида 8 та маҳалла футбол жамоаларининг мусобақасини ташкил этди.

– Болалигимда футболчи бўлишни орзу қилардим, – дейди тўй соҳиби. – Аммо ҳаёт тақозоси билан бу орзуимга етолмадим. Шундай бўлса-да, ўғил кўрсам, тўйида футбол мусобақаси уюштираман, ўғлимни эса футболчи қилиб тарбиялайман, дея ният қилиб қўйган эдим. Мана, элга ош бериш билан бирга шу ниятимни ҳам амалга ошираяпман.

Карнай-сурнай садолари ва мамлакатимиз Давлат мадҳияси билан бошланган мусобақа аввалида сўзга чиққанлар юртимизда болалар спортига берилаётган юксак эътибор, футболни ривожлантиришдаги ютуқлар ҳақида фикр юритиб, бошланаётган анъана кенг қулоч ёзишига ишонч билдирдилар. Очилиш маросими бежирим спорт либосидаги жажжи тўйболанинг: "Мен, албатта, футболчи бўламан!" деган янгроқ сўзлари ва тўпни тепиб, ўйинга киритиши билан якун топди.

Дастлабки мусобақа "Ҳайбаткўл" ва "Ўювли" маҳаллалари жамоалари ўртасида уюштирилди. Қизғин беллашувда тактик маҳоратлари билан рақибларидан устун келган ҳайбаткўлликлар ғалабани қўлга киритдилар. Ушбу жамоа мусобақа охиригача устунликни қўлдан бермай, ўйин якунида мутлақ ғолибликка эга бўлди. Иккинчи ўрин "Пастки Кераийт", учинчи ўрин "Аҳадовул" маҳаллалари футболчиларига насиб этди.

Совринли ўрин соҳиблари тўй эгалари томонидан пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Шунингдек, айрим номинациялар бўйича ҳам совғалар ва барча 8 жамоа ўйинчиларига спорт либослари ҳадя этилди.

– Икки кун давом этган ўйинларга ҳакамлик қилиш осон кечмади, – дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси Рустам Достонов. – Аммо, тўй маросимларига футбол ўйинининг киритилиши илк марта бўлганлиги, мусобақани таниқли шарҳловчи қизиқарли олиб боргани туфайли ўйингоҳ гавжум бўлди.

М. КАРИМОВ.

Кўзгудаги ўзимиз

АЙБНИ ЗАМОНГА АҒДАРМАНГ

Яқинда "Бекобод овози" газетасида "Дилдаги гаплар" рукни остида берилган "Очиқ кийиниш ҳам маданиятга киradими?" сарлавҳали мақолани ўқиб қолдим. Унда "Қўқон" маҳалласида яшовчи Феруза Йўлдошева айрим қизларимизнинг оммавий маданият таъсирига берилиб, ўзбекона кийиниш маданиятини унутиб қўяётганликлари ҳақида куюниб ёзади.

Мақолани ўқидим-у, бир воқеа эсимга тушиб, мен ҳам қўлимга қалам олдим.

Йўналишдаги "Дамас"нинг олдинги ўриндиғида ўтирибман, машинанинг тўлишини кутаяпмиз. Олди очиқ, енги йўқ кофта, тор ва калта юбка кийган, юзига бўёқлар чапланган учун кимлигини англаш қийин бўлган бир қиз (балки аёлдир) машинага яқинлашди. Орқа ўриндиқларда бўш жой бўлишига қарамай, эшик олдида туриб қолди. Шу пайт тўладан келган ўрта ёшлардаги аёл ҳам машина олдига келиб:

– Қизим, чиқмайсанми? – деб сўради.

– Мен олдинги ўриндиққа ўтираман, – қатъий жавоб берди қиз.

"Дамас" тўлгач, йўлга тушдик. Ўрта ўриндиқдаги ёши улуғроқ киши билан гаплашиб кетдик. Орқани кўрсатувчи ойнадан қариянинг бироз ўнғайсизланаётгани, ёнидаги қиздан кўзини олиб қочишга ҳаракат қилаётганини сезиб қолдим. Мен ҳам орқага ўгирилиб қарадим ва очиқ тиззалару бироз эгилган қоматдан кўзим



"куйиб" нигоҳимни олиб қочдим...

Йўлда қиз тушиб қолгач, оқсоқол бир "уф-ф" тортди-да: "Қандай банданинг қизи экан-а?" деб қўйди. Орқадаги аёл шу гапни кутиб турган экан, шекилли, "портлаб" кетди:

– Хўп, қизлари кўчакўйга, телевизорга тақлид қилаяпти экан, уларнинг яқинлари қаерга қараяпти? Қизлари, сингиллари, жиянлари кўз олдида очиқ-сочиқ, баданларини кўрсатиб юрса-ю, оталару акалар, тоғалару амакилар жим туришса?..

– Миллий қадриятни билмаган аёл ўз эри-нинг, оиласининг қадрига етармикан? Фарзандларига тўғри тарбия бера олармикан? – деди ҳамроҳларимиздан бири ва ёнидаги ёшгина йигитга юзланди:

– Сен шундай қизга уйланармидинг?

– Мен умр йўлдошликка шарм-ҳаё кўчасини четлаб ўтган бундай қизларни ҳеч қачон раво кўрмайман. Бундайлар фарзандларимга рисоладагидек она бўла олмайди, – йигитнинг бурро жавоби ҳаммани лол қолдирди...

Мақолани ўқир эканман, унинг яхши якуни менга ниҳоятда маъқул келди: "Азиз қизларжон! Сиз мени тўғри қабул қиласиз деган умиддаман. Хорижнинг ҳаётига ҳавас қилиб, йўлингиздан адашманг. Чиройли қилиб тикилган миллий кўйлакларимиз сизга қанчалик ярашишини билсангиз эди. Кийим сизни эмас, сиз кийимни безайсиз. Гапларимга хафа бўлманг, мен дилимдагиларни айтдим, холос...".

Муаллифнинг юрагидан чиққан ушбу жумлалар, адашмасам, ҳаммамизнинг дилимиздаги гаплардир. Бироқ, бу гапларни айтишдан истиҳола қиламиз ёки айбни замонга ағдарамиз-қўямиз. Энг ачинарлиси, бундай иллатларга кўникиб, оддий ҳол деб қабул қилаётганимиздир.

Мен эса ўз фикримни шоир шеъридан олинган сатрлар билан тугаллашни лозим кўрдим, қандай хулоса чиқариш ҳар кимнинг виждонига ҳавола:

У кимга сингилдир,
кимгадир она,
Кимга рафиқаю кимга дугона,
Майда қадам билан
юрар мардона,
Ўзини бозорга солган аёллар.

Карим МАВЛОН.

XXI аср ва дунё

ҚУНДУЗДА ВАҲШИЁНА ПОРТЛАШ

Афғонистон шимолидаги Қундуз вилоятида содир этилган кучли портлаш оқибатида 22 киши ҳалок бўлгани ҳақида хабар тарқатди "Аш-Шарқ аль-Афсат" газетаси электрон портали.

Маҳаллий полиция вакилларининг баённомасига қараганда, "портлаш шу минтақада ҳаракат қилаётган ноқонуний тўда аъзолари йиғилиши давом этаётган пайтда юз берди". Қайд этилишича, қурбонлар орасида экстремистик гуруҳларнинг бир қатор бошлиқлари ҳам бор. Полиция ушбу гуруҳларнинг тарафдорлари бир пайтлар ҳам ҳукумат кучлари, ҳам радикал "Толибон" ҳаракати отрядларига қарши хуруж қилганларини қайд этди. Расмий ҳукуматнинг таъкидлашига қараганда, ушбу портлаш ортида "Толибон" жангарилари турган бўлса ажабмас.

ҲИНДИСТОНДА ЖАЛА ВА КЎЧКИЛАР

Ҳиндистон шимолидаги Химачал-Прадеш штатида узоқ жала қуйиши оқибатида юз берган сув тошқинлари ва кўчкилар олти кишининг умрига зомин бўлди.



Воқеа жойида қутқарув ишларини олиб бораётган миллий ҳаракат кучлари тарқатган хабарда келтирилишича, улар бир қанча одам бедарак йўқолгани ҳақида ўнлаб аризалар олишган.

Ушбу штатда 50 га яқин уйни сув босган ва юзлаб гектар қишлоқ хўжалик экинлари нобуд бўлган. Маҳаллий ҳукуматнинг маълумотига қараганда, табиий офат 600 минг доллар зарар етказди. Муссон ёмғирлари бундан бир ой илгари бошланиб, кейинги икки ҳафтадан буён сув тошқинлари давом этмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, одатда Муссон ёмғирлари мавсуми сентябрнинг ўрталарigача давом этади.

ИМПЕРАТОР ШИФОХОНАДА ДАВОЛАНМОҚДА

Япония императори Митико қон томирлари торайиши сабабли юраги хасталангани гумон қилиниб, тўла тиббий кўрикдан ўтказиш учун Токио давлат университети қошидаги шифохонага ётқизилди.

Император саройи ишлар бошқармасининг маълумот беришига қараганда, 80 ёшли Митиконинг юраги ушбу шифохонада компьютер томографиясидан ўтказилади, шунингдек, тегишли таҳлиллар қилинади. Керакли натижаларга эга бўлингач, императорнинг аҳволи ва уни даволаш лозимлиги ҳақида аниқ маълумот берилади.

Илгари тарқатилган хабарга кўра, император шу йил июндан бошлаб кўкрагида оғриқ ҳис қилаётганидан шикоятланган эди. Япон мутахассислари императорни электр кардиографиядан ўтказишгач, ташҳис тасдиқланди.

МИЛЛИЙ БОҒДА АЙИҚ ҚУРБОНИГА АЙЛАНДИ

Американинг машҳур Йеллоустон миллий боғида қийнаб ўлдирилган кишининг жасади топилгани ҳақида хабар тарқатди Кей-ти-эл-эй телекомпанияси.

Телеканалнинг маълумотларига қараганда, ўрта ёшли бу кишини миллий боғдаги айиқлардан бири ғажиб ташлаган. Чунки, жасад атрофида она айиқ ҳамда боласининг кўплаб излари бўлган. Марҳум миллий боғнинг тиббиёт хизмати ходими экан.

CNN телеканали эса йиртқич айиқ қидирилаётгани, агар топилса отиб ўлдирилишини маълум қилди. Айни пайтда Йеллоустон боғи ҳудудида 800 га яқин айиқ яшайди.

ТАЙВАНДА КУЧЛИ ТЎФОН

Дастлабки маълумотларга қараганда, Тайван мамлакати бўйлаб ўтган кучли "Соуделор" тўфони туфайли 6 киши ҳаётдан кўз юмди.



Табиий офат натижасида бедарак йўқолганлар ҳам бор, юзлаб кишилар жароҳат олди. Кучли довул юзлаб дарахтларни қулатди, реклама стендларини вайрон қилди, ҳатто юк поездининг бир нечта вагонларини темир издан чиқариб, ағдариб юборди.

Тўфон электр тармоғига ҳам катта шикаст етказди. Энергетика компаниясининг маълум қилишича, 3,2 миллион оиланинг уй ва квартиралари чироқсиз қолди. Таъкидланишича, бу бутун мамлакат тарихидаги энг кучли табиий офат экан.

Ноқулай об-ҳаво туфайли Тайваннинг ҳамма шаҳарларида тўфон пайтида мактаб ҳамда ишхоналар ёпиб қўйилди. Аэропортларда юзлаб рейслар бекор қилинди, шунингдек, паром ҳамда темир йўл алоқалари ҳам узилди.

Дарвоқе, 2009 йилнинг августида оролга ёпирилган "Моракот" тўфони кўплаб кўчкилар юз беришига сабаб бўлиб, 650 мингдан зиёд кишининг ёстиғини қуритган эди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент вилояти фуқаролари ва тадбиркорлари диққатига!

Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар ҳокимияти биносида 2015 йил 13 август куни соат 10.00 да Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг биринчи ўринбосари У. М. Мустафоев томонидан вилоят фуқаролари ва тадбиркорларнинг мурожаатлари юзасидан қабул ташкил этилади.

Манзил: Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Олмалиқ шаҳар ҳокимияти биноси. Маълумот учун телефонлар: (99871) 244-55-52, 244-41-48.
Қабулга шахслар паспортлари билан келишлари лозим.

«Respublika mulk markazi» AJ «Toshkent mintaqaviy filial» бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Тошкент вилоят Ангрен шаҳар ҳокимининг 2015 йил 21 майдаги № 72 сонли буйруғи ва 2015 йил 4 августдаги № 1-7/861 сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти тугатилган "Резинатехника"ОАЖ Истиқлол кўчаси 2 уй манзилида сақланаётган, 241 та ишлаб чиқариш техникалари ва асбоб ускуналар тақроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 1 352 230 012,26 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 28 август куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Ариза лар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Ариза ларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 26 август куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 20 куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО 01036, СТИР 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Амир Темур шох кўчаси, 19-уй. Тел.: 233-28-52; 233-49-31. Батафсил маълумот www.rmm.uz

Гувоҳнома: 001580.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Навбатчи Наргис ҲАСАНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-3630. Адади 8088. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00.